

ҲУЖЖАТ ВА ДАЛИЛ КЕЛТИРИШДА УМУМИЙ АСОСЛАР

“Мухтасар ақида” китобидан иқтибос

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



**Шайх Аҳмад ибн Абдуррахмон
Ал-Қозий**



Мутаржим: Абу Жаъфар Бухорий

Мухаррир: Абу Абдуллох Шоший

أصول جامعة في التأصيل والاستدلال

مقالة مقتبسة من كتاب "العقيدة الميسرة"

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



د. أحمد بن عبد الرحمن القاضي



ترجمة: أبو جعفر البخاري
مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

ҲУЖЖАТ ВА ДАЛИЛ КЕЛТИРИШДА УМУМИЙ АСОСЛАР

**1 — Ақида (эътиқод), шариат ва сулук олин-
диган асослар учта бўлиб, улар: Қуръони Карим,
суннат ва қарор қилинган ижмоъдир.** Бирон
муаммо фикр, раъй, ёки қиёс ёхуд дид ёда дилига
солиш ва ё ким бўлса ҳам бировнинг қавли билан ҳал
қилинмайди.

**2 — Қуръон ва суннатни тушуниш учун йўл —
(Ислоннинг илк асрларида яшаб ўтган) муҳожир
ансорлар, уларга яхшилик билан эргашган тобеин
пешқадамлар йўли бўлиб, кейин(ги асрларда яшаб
ўтган) сўфий ва каломчилар пайдо қилган йўллардан
воз кечишдир.** Аллоҳ таоло айтди:

﴿ وَمَنْ يُشَاقِقِ الرَّسُولَ مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُ الْهُدَىٰ وَيَتَّبِعْ غَيْرَ سَبِيلِ
الْمُؤْمِنِينَ نُوَلِّهِ مَا تَوَلَّىٰ وَنُضَلِّهِ جَهَنَّمَ وَسَاءَتْ مَصِيرًا ﴾

«Ким ҳақ йўлни аниқ билганидан кейин
пайғамбарга хилоф иш қилса ва мўминларнинг
йўлларидан бошқа йўлга эргашиб кетса, биз уни
кетганича қўйиб берамиз. Сўнгра жаҳаннамга
дохил қиламиз. Нақадар ёмон жойдир у!» (Нисо:
115).

**3 — Ортиқча зарарли омиллардан саломат,
соғлом нақлга қарши келмайдиган ва шубҳалар-
дан холи бўлган соғлом ақл.**

Насс (вахий)лар — ақлларни ҳайратга соладиган нарсалар бўлиб, ақлларнинг иши эмасдир. Ваҳийлар ўртасида зиддиятлар борлигини иддао қилган одам, ақлининг фасодини тўккан бўлади. Бундай одамлар нақлни ақлга устун қўйишлари лозим.

4 — Бидъат

Бидъат, Ислом динида ихтиро қилинган сохта йўл бўлиб, шариатга зиддир ва у — Аллоҳ субҳонаху ва таъолога ибодат қилишда муболаға билан юришни қасд этган йўлдир. (Бидъатларга амал қилинмайди). Бидъатлар турли хилда бўлиб, улар эътиқодий ва амалий, ғализ ва енгил, куфрга чиқарувчи ва фосикқа чиқарувчи бидъатлардир.

АҚИДА (ЭЪТИҚОД)НИ ТЎЛДИРУВЧИ АМАЛЛАР

1 — Амру маъруф (савобли ишларга чорлов) ва наҳий мункар (гуноҳ ишларни таъқиқлаш).

Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ

الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Ораларингиздан яхшиликка (исломга) даъват қиладиган, ибодат-итоатга буюрадиган ва исён-гуноҳдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир» (Оли Имрон: 104).

2 — Бирлик ва яхлитликка ҳарис бўлиш, тарқоқлик ва ихтилофлардан воз кечиш, жамоат ва бирликни ҳимоя қилиш.

Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَاَعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا وَاذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ إِذْ كُنْتُمْ أَعْدَاءً فَأَلْفَ بَيْنَ قُلُوبِكُمْ فَأَصْبَحْتُمْ بِنِعْمَتِهِ إِخْوَانًا وَكُنْتُمْ عَلَىٰ شَفَا حُفْرَةٍ مِنَ النَّارِ فَأَنْقَذَكُم مِّنْهَا كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ. وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ تَفَرَّقُوا وَاخْتَلَفُوا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ وَأُولَٰئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ﴾

«Ва барчангиз Аллоҳнинг арқонига (Қуръонга) боғланингиз ва бўлинмангиз! Ҳамда Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланг: бир-бирингизга душман бўлган пайтларингизда дилларингизни ошно қилиб қўйди-ю, сизлар Унинг неъматини сабаб биродарларга айландингиз. Ва дўзах чоҳининг ёқасида турган эдингиз, сизларни ундан халос қилди. Ҳақ йўлни топишингиз учун Аллоҳ сизларга ўз оятларини мана шундай баён қилади. Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, ибодат-итоатга буюрадиган ва исён-гуноҳдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир. Аниқ ҳужжатлар келганидан кейин бўлиниб кетган ва бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, талашиб-тортишган кимсалар каби бўлмангиз! Ана ундайлар учун улуғ азоб бордир» (Оли Имрон: 103 - 105);

﴿ أَنْ أَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا تَتَفَرَّقُوا فِيهِ ﴾

«Динни барпо қилинглар ва унда фирқа-фирқа бўлиб бўлинманглар!» (Шўро: 13).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Мўмин мўминга бири бирини тутиб турадиган бинога ўхшайди», — дедилар (Муттафақун алайҳ).

3 — Гўзал ахлоқ ва гўзал амаллар.

Масалан, сабр, саховат, жасорат, мулойимлик, кечиримлилик, тавозе, икки бир-бирига зид нарсаларни тарк қилиш, ота-онага ғумхўрлик, қариндош уруғлар билан борди-келди қилиш, қўшниларга яхшилик қилиш, етимлар, мискинлар ва мусофирларга эҳсону инфоқ қилиш каби.

ДИН ВА ТАРИҚАТ

Аллоҳнинг дини ягона бўлиб, у — Ислондир. Аллоҳ таоло бу ҳақда:

﴿ إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ ﴾

«Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислон динидир» (Оли Имрон: 19).

Ислон — авалгилар ва охиргиларнинг динидир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ إِنَّا أَنْزَلْنَا التَّوْرَةَ فِيهَا هُدًى وَنُورٌ يَحْكُمُ بِهَا النَّبِيُّونَ الَّذِينَ أَسْلَمُوا ﴾

«Албатта, Биз Тавротни ҳидоят ва нурни ўз ичига олган ҳолда нозил қилганмиз. Аллоҳга бўйинсунувчи бўлган пайғамбарлар, ... ҳукм қиладилар» (Моида: 44).

Бу — умумий маъноси: Аллоҳ таолога тавҳид билан таслим бўлиш, итоат билан бўйинсуниш ва ширкдан безорлик бўлган Исломдир.

Хусусий маънодаги Ислом эса, Аллоҳ таоло пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга юборган соғлом эътиқодлар, адолатли қонунлар, солиҳ амаллар ва устивор ахлоқлардан иборат ҳидоят ва ҳақ диндир. Аллоҳ уни ўзидан аввал келган шариатларни бекор қилгувчи қилди. Демак, Аллоҳ таоло энди бу Исломдан бошқа динни қабул қилмайди. Аллоҳ таоло айтди:

﴿وَمَنْ يَتَّبِعْ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ

الْحَاسِرِينَ﴾

«Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг «дини» Аллоҳ хузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўргувчилардандир» (Оли Имрон: 85).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, бу Умматдан бири: хоҳ яҳудий, хоҳ насроний мени эшитиб, мен олиб келган нарса (дин)га иймон келтирмай оламдан ўтса, жаҳаннам аҳлидан бўлади» (Имом Муслим ривояти).

Аллоҳ таоло эзгуликлар эҳсон қилган ва оламдан ўтган бандаларини «мусулмонлар» деб атади ва деди:

﴿مَلَّةٌ أَيْكُمْ إِبْرَاهِيمَ هُوَ سَمَّاكُمُ الْمُسْلِمِينَ﴾

«Оталарингиз Иброҳимнинг динини (яъни Исломни) ушлангиз. Токи (қиёмат кунида) пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун, сизлар эса (барча динлардаги) одамлар устида гувоҳ бўлишингиз учун (Аллоҳнинг) Ўзи сизларни илгари(ги мукаддас китобларида) ҳам мана шу (Қуръонда) ҳам мусулмонлар (яъни Ўзининг динига бўйинсунувчилар) деб атади» (Ҳаж: 78).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Огоҳ бўлингларким, сизлардан аввалги китоб аҳллари етмиш икки гуруҳга бўлиниб кетдилар. Ва бу Уммат етмиш уч гуруҳга бўлинадилар ва улардан етмиш иккитаси жаҳаннамда, биттасигина жаннатда бўлади. У — жамоатдир», деганларидек (Абу Довуд, Термизий ва Имом Аҳмад ривоятлари) Аллоҳнинг бандалари ҳаётига қўйган суннати ажралиш ва бўлиниш экан, фақатгина (жаҳаннамдан) кутулган ушбу гуруҳ — Қуръонни маҳкам ушлаган, суннатга эргашган, нафеу хаво истаклари, шубҳалари ва бидъатлардан холи бўлган Аҳли суннат ва жамоатдир.

Шуларгина Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам куйидаги ҳадисларида тилга олган (душманлари устидан) ғолиб бўлган гуруҳдир: «Умматимнинг бир гуруҳи Аллоҳнинг амри билан мудом ғолиб бўлиб туради. Уларга Аллоҳ таолонинг амри келгунича ёрдамсиз ташлаб қўйганлар ёки муҳолиф бўлганлар

зиён етказа олмайдилар. Улар одамлар устидан ғолиб бўлиб қоладилар» (Имом Муслим ривояти).

Аҳли суннат ва жамоат икки тараф ўртасида мўътадил, икки эгри ўртасида тўғри ва икки залолат ўртасида хидоятдир. Улар:

1 — Аллоҳнинг сифатлари бобида мушаббихалар билан муъаттилалар ўртасида;

2 — Аллоҳнинг ишлари бобида жабрийялар билан кадарийялар ўртасида;

3 — Аллоҳнинг жазолари, иймон ва дин исмлари бобида муржиъа ва азоб даракчилари ўртасида;

4 — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари бобида хаворижлар билан рофизалар ўртасида мўтадилдирлар.

Аҳли суннат ва жамоат бундай расво йўллардан ва адаштирувчи сўқмоқлардан безору бегона бўлиб, Аллоҳнинг уларга иймонни суюкли қилиб кўрсатиб, қалбларида уни зийнатли қилгани ҳамда куфр, фиқс ва гуноҳдан нафратлантирганларини миннат қилгани билан хурсанддирлар.

﴿ فَضْلاً مِنْ اللَّهِ وَنِعْمَةً وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴾

«(Бу) Аллоҳ томонидан бўлган фазлу марҳамат ва неъматдир. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир» (Хужурот: 8).

Аллоҳ ўз бандаси ва пайғамбари бўлган Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, Унинг оиласи ва бутун асҳобларига салавоту саломлар ёғдирсин.

